



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 114 (9.611) 2001 йил 28 сентябрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

1 октябрь -
Ўқитувчилар
ва мураббийлар
қуни

ВАТАНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Фармонида кўра ўқитувчилар ва мураббийлар қуни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнани қўриган ходимлардан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар:

Мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим бериш ва юксак маънавий-ахлоқий ғазилатларни камол топтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг илмий салоҳиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг фидокорона меҳнати билан халқимизнинг ҳурматида сазовор бўлган қўйидаги устоз ва мураббийларга фахрий унвонлар берилади:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Мўминов Абдурахмон — Миробод туманидаги 328-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Адилова Масуда — Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг мудири

Ким Алла Антоновна — В.Успенский номидаги республика ўрта махсус musiқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Ҳасанов Раҳим — Т.Н.Кори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти «Ижтимоий-гуманитар туркумидаги фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими»нинг мудири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Ачилов Акмал Асимович — С.Раҳимов туманидаги 10-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Болтаев Баходир Джалолович — Республика Таълим маркази математика-информатика ва технология методик бўлими бошлиғи

Исмаилова Минавара Юсуповна — Тошкент педагогика касб-хунара коллежи директори

Қадирова Эльнора Рашидовна — Тошкент Давлат архитектура институти «Фалсафа, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти

Мирзааҳмедов Ҳасан Абдуллаевич — Болалар ижодиёти Республика маркази ўқитувчиси

Ватанимизда фан, таълим илм-зиё, маънавият ва маърифатни юксалтириш борасидаги самарали ва ҳалол меҳнати, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда эришган катта амалий натижалари, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тоқувлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги салмоқли хизматлари билан эл-юрт ўртасида обрўва эза бўлган қўйидаги таълим соҳаси ходимлари мукофотланди:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Романова Клариса Ивановна — Чилонзор туманидаги 178-гимназия мактабнинг кимё ўқитувчиси

«Меҳнат шўхрати» ордени билан

Каримов Сотволди — Ҳамза номидаги Тошкент давлат musiқа касб-хунара коллежи ўқитувчиси

Кучқарова Гульнара Марамовна — А.Икромов туманидаги умумий ўрта таълим берувчи боғча-мактаб директори

Ҳамидов Баходиржон — Халқ таълими вазирилик «Таълим-савдо» бош бошқармасининг бошлиғи

Эгамов Облоберди — Ўзбекистон Бадий академияси ўқув-ўқувчи ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи.

Юсупов Джемшид Каримович — Халқ таълими вазирилик Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасининг бошлиғи

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Таджиева Феруза Шомухторовна — Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Бушаева Светлана Леонидовна — Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 531-болалар боғчаси тарбиячиси

Золотарева Ирина Анатольевна — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 22-маҳсус болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби гимнастика бўйича мураббийси

Кучқоров Нурмуҳаммад Холимаҳаматович — Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги 118-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Алиев Иргашдэн Якубович — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги қўшимча таълим мажмуаси «Егоч ўймакорлиги» тўғрагининг раҳбари.

Афаки Сино Исаевич — ТошДТУ республика лицей-интернатида физика ўқитувчиси

Ачилова Майсара Шариповна — республика олимпия ўринбосарлари касб-хунара коллежининг ўзбек тили ўқитувчиси

Зақиров Марат Арифович — давлат тест маркази таркибидagi кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармасининг раҳбари

Мусаева Мастура — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 426-болалар боғчасининг мудираси

Шарипова Зульфия Анваровна — Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 36-маҳсус кечки мактабнинг дефектолог ўқитувчиси

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнидаги фаол иштироки, истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларни камол топтириш борасидаги муносиб хизматлари, ёш авлод оғизга миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини синдириш йўлидаги ҳалол меҳнати, ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини шакллантириш ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Сафулла Фатхуллаевич — Давлат божхона қўмитаси Божхона коллежининг «Умумтаълим фанлари» кафедраси катта ўқитувчиси

Камолов Юсуф Абдуллаевич — А.Икромов туманидаги 229-мактабнинг информатика ўқитувчиси

Михайлова Наталья Владимировна — Сирғали туманидаги 300-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Ненашева Наталья Сергеевна — Бектемир туманидаги 290-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Нурматов Эътибор Камоловна — Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Трусова Людмила Георгиевна — Мирзо Улугбек туманидаги 279-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Шарипова Махпуза Хожимуратовна — Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси

Юлдашев Абдухамиджон — Давлат солиқ қўмитаси Тошкент шаҳар солиқ коллежи «Ахборотлаштириш ва техник воситалар» кафедраси бошлиғи



НИШОНДОРЛАРИМИЗ

Меҳр нури ёғар доим...

Абадий бахт сари йўловчи — устоз, Билмагани аён айловчи — устоз, Қалбиндан жаҳолат зангини ювиб, Маърифат дурини жойловчи — устоз.
Ҳа, ўқитувчи, устозлар қалбга зиё, маърифат нури таратувчи мўътабар озлардир.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллик байрами арафасида кўпгина ҳамюртларимиз, жумладан ўқитувчи ва мураббийлар ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Улар орасида Ўзбекистон Бадий академияси А.Ҳужаев номи Республика тасвирий ва амалий санъат касб-хунара коллежининг директори Шоносир Муродов ҳам «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Бу қувончли хушxabардан коллежининг ўқитувчи ва талабалари ниҳоятда қувонишиб, ҳамкасблари, устозларини чин дилдан қўтлашди. Ўз касбининг шарафли, бутун умрини ёшларга таълим-тарбия беришдек савоб ишга бағишлаган фидойи инсон Шоносир Муродов ўзининг жонқуярлиги, ташкилотчилиги билан билим юртида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди. 1967 йилда шу билим юртини тамомлаган Шоносир ака икки йилдан сўнг ўзи тахсил олган даргоҳда меҳнат фаолиятини бош усталиқдан бошлади. Ўз касбини меҳр қўйиб ишлаб, 1982 йилдан директор лавозимига кўтарилди. Шу билан бирга коллежда ёгоч ўймакорлиги композиция асослари ва тарих фанидан талабаларга сабоқ бериб келмоқда. У ёшларнинг чуқур билим ва хунара эгаллашлари йўлида ўз билим ва тажрибаларини аямай меҳнат қилиб, устоз даражасига етди.

— Керакли билимни эгаллаб, уни амалиётда қўллаш ҳамда кенг мушоҳада қилиш — бадий хунара эгаси бўлиш учун ойдin йўлдир, — дейди Шоносир Муродов. — Билим юртимиз шу мақсадда ташкил этилган. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши, раванқ топиши, бутун жаҳонга танилишида хунари, билимli ёшларимизнинг муносиб ҳиссалари бор албатта. «Хунари хор бўлмас» деган мақол бежиз айтилмайди. Шунинг учун ҳам билим юртимизда талабалар 10 та хунара бўйича таълим оладилар. Мақсадимиз, ёшларимиз келажакда хар томонлама билимли, хунари, ўз касбининг устаси бўлиб етишсинлар.

Мен жуда бахтиёрман. Кўп йиллик меҳнатларим муносиб баҳолашни, юксак мукофотга сазовор бўлдим. Бундан бошим омонга етди. Устоз, ёшлар мураббийси деган шарафли номни оқлаш учун яна ҳам самарали меҳнат қилиш ниятидаман.

Ўқитувчининг бутун фахри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир. Бу касб соҳиблари «Таълим тўғрисида»ги Қонун, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда янги педагогик технологияларни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Шоносир Муродов ҳам шулар жумласидандир.

ДИЛОРОМ ИКРОМОВА.
Суратда: Шоносир Муродов талабалари даврасида.
Сергей Любич олган сурат.

Мароқли тадбир

Акмал Икромов туманидаги «Уриқзор» маҳалласида ўқитувчилар ва мураббийлар қуни муносабати билан мароқли тадбир бўлиб ўтди.

Унга маҳалладаги мактаб ва боғчаларнинг ўқитувчи ва мураббийлари, нуруний отахон, онахонлари тақдир қилинди. Тадбирда сўзга чиққан маҳалланинг ҳурматли оқсоқоллари ва меҳмонлар бугунги кунда ўзларининг шарафли касбларини эъзозлаб, ёш авлодга таълим-тарбия беришда фидойилик кўрсатаётган мўътабар устозлар ўқитувчи ва мураббийларнинг касб байрамлари билан қўтладилар.

Тадбирда катнашган «Ўзтелевизиокомпания» қошидаги мақомчилар ансамбли хонадалари ўзларининг дилрабо кўшиқлари билан йиғилганларга хуш кайфият улаштирди. Тадбир сўнггида ўқитувчи ва мураббийлар, маҳалла нурунийларига ҳомиёлар томонидан совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз).
• Ўқитувчилар ва мураббийлар қунига бағишланган махсус саҳифа материалларини газетанинг 2-бетига ўқийсиз.

1 ОКТЯБРЬ — ҲАММАНИНГ ҲАММАНИ



Ўз мақсад ва орзулари йўлида тинимсиз меҳнат қилган киши албатта мақсадига етади, катта ютуқларга эришади.

Шаҳримизнинг Ҳамза туманидаги 69-ўрта мактабнинг математика ўқитувачиси Ирода Соибова учун бу йил омадли, ютуқларга бой йил бўлди. У ўзининг ўткир эҳти, билими, изланувчанлиги билан бу йил Ҳамза туманидаги мактаблар ҳамда туманлар бўйича ўтказилган «Йил ўқитувачиси — 2001» курик-танловидида голиб чиқиб якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Шунингдек, Иродани мактаб жамоаси ишонч билан мактаб илмий мудириликка тайинлашди. Чунки жонқуяр, фидойий бўлиб ўқитувчи қисқа давр — олти йил мобайнида шу мактаб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Ешлигидан ўқитувчиликни орзу қилган ва шу касбга меҳр қўйиб келаётган Ирода бу шарафли касбини эъозлаб келаётган ўз онасидан кўп сабоқ олди. У ешлигидан мактабда ўтказилган олимпиадаларда фаол иштирок этиб, ўқувчилар орасида ўз қобилияти билан ажралиб турарди.

Ирода мактаб ишларида доимо жонқуяр, ташаббускор, шу билан бирга ўқувчиларга ширинсўзлик, меҳрибонлиги билан ҳурмат қозониб келмоқда, — дейди шу мактаб ўқитувчиси Ибодат Мусаева. — Унинг ҳар томонлама қобилиятли, фидойий ўқитувчилардан эканлигининг гувоҳи бўлиб келямиз. Ироданинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Мактабимизда ташкил қилинган «Ораста» номли қизлар клубига раҳбарлик қилиб, уларга рақс, бичиш-тиқиш сир-



Қанотланган орзулар

ларини ўргатиб келмоқда. Шунингдек, мусиқага ҳам ихлоси банд. У пианино чалишни яхши кўради. Жонқуяр ташкилотчи, болажон, ёшларга доимо кўмак беришга шошилади. Ирода ўз касбига меҳр қўйган фидойий ўқитувчи. У яқинда ўзи электрон робот ҳам ихтиро қилди. Унинг бу қилган ишларидан бутун мактаб жамоаси мамнун. Биз Ирода Соибовадек заҳматқаш, изланувчан ҳамкасбимиз билан фахрланамиз.

Бугунги кунда Ироданинг қалби қувончга тўла. Чунки у республика «Йил ўқитувчиси — 2001» курик-танловидида қатнашиб, фахрли ўчинчи ўрин соҳибаси бўлди.

Дилида доимо эзгу ниятлар билан ўз касбини шарафлаб «Таълим тўғрисида»ги Қонунни, Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш йўлида фидойийлик кўрсатаётган Ирода Соибовага ҳамisha омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Гулнора ШОКИРОВА
СУРАТДА: Ирода Соибова дарс ўтиш жараёнида.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

Биринчи муаллимнингизни эслайсизми?

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўргатмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Улуғ мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг ушбу байти ҳам ўқитувчи, устозларни маҳд этиб битилгандир. Устозлар ҳамisha юксак эҳтиром, иззат-икромдаги мўътабар зотлардир. Айниқса биринчи муаллимнингизни эслайсизми? Болалик хотираларини кўмсаганимизда кўз ўнгимизда мактаб ёки боғчага илк қадам қўйганимиз, қўлимиздан етаклаб бағрига олган омад меҳрибон, ширинсўз муаллимимиз ёдга тушади. Сиз ҳам биринчи муаллимнингизни эслайсизми?

Ортиқали ҚОЗОҚОВ,

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, рассом:

— Менимча устозларни, айниқса қўлига ручка тутиб ёзишга, ўқишга ўргатган илк муаллимни унутган инсон бўлмаса керак. Халқимизда «Устоз отангдек улуғ», деган нақл бор. Биринчи устозларини ҳануз соғиниб, эҳтиром билан эслайман. Наманган вилоятининг Поп туманидаги 10-ўрта мактабда илк сабоқ берган биринчи муаллимим Сотиболди Тоштемировни ҳеч унутмайман. Қалби дарё, болаларга жуда меҳрибон, ҳам талабчан ўқитувчимизни жуда ҳурмат қилардик. Бир йили қиш қаттиқ келган, қишлоқ мактаблари совуқ эди. Кўчадан жуда совқотиб келганимда Сотиболди ака менга ачиниб, қор билан юзларини ишқаб, бағрига олиб иситганлар. Шунингдек, яна бир устозим менга расм чизишни ўргатган, рассомчиликка ҳавас уйғотган Анорбой ака Қаримқулловни ҳам ҳурмат билан эслайман. Улардан доимо миннатдорман.

Замира СУЮНОВА,

Ўзбекистон халқ артисти:

— Биринчи муаллим гўё ҳаёт йўлининг сарбонидир. Мурғак қалбимизга йўл топиб, жажжи қўлчаларимиздан тутиб тўри йўлга бошлаган, илм-маърифатга чорлаган устозларимизга доимо таъзимдамиз. Айниқса биринчи муаллимим Қашқадарё вилоятининг Сатри қишлоғидаги 34-мактабда илк сабоқ берган Н.Абдуллаев ҳамон ёдимда. Жуда оққўнғил, меҳрибон устозимиз дарсларни жуда қизиқарли ўтардилар. Ўқувчиларни санъатга ҳам кўпроқ қизиқтирар, дарсдан кейин ҳам қўлиб ўзлаштиролмайд қолган ўқувчиларга сабоқ берадилар. Ҳаётда устозларим кўп. Отам ҳам ўқитувчи бўлиб ишлаганлар. Санъатга жуда ихлосманд бўлганлар. Мени санъаткор даражасига етишимда отамнинг ҳам ҳиссалари катта. Бу улуғ зот — устозларимга ҳамisha таъзим қиламан.

Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, суҳандон:

— Беғубор болалик дамларимиз, биринчи муаллимимизни доимо ҳурмат-эҳтиром билан эслайман. Тошкент шаҳридаги 106-мактабда илк сабоқ берган муаллим Насиба опани тез-тез ёдга оламан. Устозимиз бизга жуда ширинсўз, меҳрибон эдилар. Дарсларга жуда ҳавас билан қарардик. Қўлимиздан китоб тушмасди. Қадрдон мактабим, сеvimли ўқитувчиларим У.Абдуллаев, М.Иноятова, Ш.Қосимова сингари ғамхўр, фидойий устозларимиздан доимо миннатдорман. Уларнинг берган сабоқлари, маслаҳатлари ҳаётда доимо кўмак бермоқда.

Соғиниш торлари

(Муаллимларга)

Боқсам йилларимнинг сардафтарига
Сиз мудом камтару хоқсор тургансиз.
Менинг юрагимнинг кабутарига
Ватан деган сўзни хатлаб берган Сиз.

Кўёшдан заррин ҳам зарҳалларига,
Боқсам у йилларнинг сахарларига:
Менинг энг мунаввар, гўзал онларим —
Она деган сўзни ёзган тонларим.

Биз кетдик — севинчу қувончларингиз,
Фасллар, кечаю кундузлар бўлиб.
Қолмиш ортимиздан кўз ёшларингиз
Мактаб томи узра юлдузлар бўлиб.

Шарҳлаб бермоқ учун меҳнатингизни —
Сизнинг бир соатлик заҳматингизни,

Қирқ минг чирог билан кўп шамлар керак,
Қирқ баҳор яна қирқ кўклар керак.

Илму эзулиқдан зиналар тиклаб,
Ҳар ўғил — болангиз, ҳар қиз — кумрингиз,
Ўтдингиз дафтару китоб кўлтиклаб,
Дарсу сабоқларда кечди умрингиз.

Боқсам у йилларнинг сарҳадларига,
Бирдан қайтгим келар сахарларига.
Соғинч торларини чертар дилларим,
Муаллимларим, муаллимларим.

Бугун Жаҳонгирлар мактабга борар,
Меҳр чирогидир қароғларингиз.
Оламда энг улуғ, камтарин зотлар,
Ҳеч қачон ўчмасин чирогларингиз.

Сирожддин САЙИД

Ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ва машаққатли касбини эъозлаб келаётган устоз ва мураббийлар ҳақида ҳар қанча фахрлини гапирсак оз. Болалик хотираларимизни ёдга олгудек бўлсак, аввало сеvimли боғчамиз, қадрдон мураббиямиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Чунки илк қадамимиз, болалигимиз боғчадан бошланади.

Шаҳримизнинг Чилонзор туманида жойлашган 534-болалар боғчасининг тарбиячиси Малика Файзуллаева ўз касбига меҳр қўйган жонқуяр мураббийлардан саналади. 25 йил давомида ўз меҳр-муҳаббатига, ширин сўзи билан болалар ўртасида ҳурмат-эътибор топган Малика опани болалари ўз оналаридек сеvimлади. Кичик ёшдаги болалар билан ишлаш осон эмас албатта. Малика опа аввало ҳар бир боланинг феъл-атворини ўрганиб,

Болалар жон-дили

шунга қараб муомала қилади, уларнинг кўнглини топишга, тилини тушунишга ҳаракат қилади. Болаларга ўз фарзандидек ғамхўр ва меҳрибон.

— Болалар жону дилим, — дейди Малика Файзуллаева. — Ешлигимдан мураббия бўлишни жуда орзу қилардим. Онам ҳам мени боғча тарбиячиси бўлишимни хоҳлардилар. Болалар билан ишлашнинг ўзига яраша гапти бор. Уларнинг беғубор қалбларига, сўзларига қулоқ солгим келади. Касбим билан фахрланаман. Болажонларнинг келажакда илмли, ўткир эҳтли, матонатли бўлиб мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб вояга етишларини орзу қиламан.

Малика опа ўз ишига масъулият би-

лан қарайдиган фидойи мураббиялардан. У нафақат тарбиячи, шунингдек боғча тарбияланувчилари учун қатор ўқув қўлланмаларининг муаллифи ҳамдир. «Катта гуруҳ болаларининг озғани нутқини ўстириш» бўйича машғулот ишланмалари, «Ўрта гуруҳ болаларининг озғани нутқини ўстириш», «Улуғлардан ўрганмоқ — оқиллик» номли кўргазмалар қўлланма, «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури бўйича, «Конституция сабоқлари» номли қўлланмаларнинг ҳаммуаллифи. Ҳозирги кунда Малика опа тайёрлов гуруҳи болаларининг озғани нутқини ўстириш бўйича иш олиб бормоқда. Шунингдек, «Одоб дурдоналари» деб номланган қўлланмага ҳам муаллиф

сифатида қатнашмоқда. Булардан ташқари Малика Файзуллаева ўз иш тажрибалари билан «Мактабгача тарбия» журналида ҳамда Республика ўқитувчилар педагогик ўқишларида фаол қатнашиб келмоқда.

Меҳнат инсонни улуглайди. Ўз касбига меҳр қўйган фидойи, жонқуяр мураббия Малика Файзуллаеванинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медалли, «Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси», «Халқ фидойиси» нишонларига сазовор бўлган.

Жажжи болажонларимизга меҳр ва зий нурини таратиб келаётган Малика опа сингари болаларвар, меҳрибон мураббиялар ораимизда қанчалик кўп бўлса, келажакимиз мевалари бўлиши оқил ва доно, баркамол ёшларимиз сафи кенгайиб, мустақиллигимиз янада мустаҳкам ва барқарор бўлади, албатта.

Гулором ХАМИДОВА

БЕШИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Тасодифан Миср шоҳи ўз аъёнлари билан бозор ёнидаги йўлдан ўтиб, унинг олдида хизматкорлар қўлларидида машъала билан йўлни ёришиб келардилар. Бирдан шоҳнинг оти кишнаб хуркиб кетди, шоҳ энгашиб паства қаради ва билдики ерда биров ётибди. У вазирага бу ётган одам ахволдан хабар ол деб буюрди-да отига қамчи босиб йўлида давом этди. Вазир икки мулозими билан Саодатшоҳни от устига ўнгариб, олиб кетдилар. У ҳар нафас олганида Жавҳар сўзи эшитиларди. Вазир бу ахволдан хайратга тушиб, унга таом билан қувват киритди. Саодатшоҳ бироз ўзига келгач, вазир ундан сўради, қайси гулшаннинг гулисан ва қайси гулчехранинг булбулисан? Неҳук гам-андухга гирифтормулдинг, бу сирни менга бир-бир баён қил, деди. Шаҳзода ўз ахволлини бошдан охиригача вазирага баён қилди. Вазир бу ҳодисалардан бағоят таъсирланиб, раҳм-шафқат дарёсига фарқ бўлди.

Вазирнинг бир мулозими бор эди, у ниҳоятда зийрак эди ҳамда Мисрнинг барчаси унга маълум эди. Унинг Миср ичра кирмаган кўчасиго гузари йўқ эди. Вазир ушбу мулозимини чақириб, бугундан бошлаб худди атторлардек елканга хуржун ташлаб, бу йилгит билан бирга шаҳарнинг кўчаларини гузар ва маҳаллаларини айланиб баланд овоз билан одамларни молинга даъват (чақирмоқ) қил! Аммо аттордан оғоҳ бўлиб, одамларнинг ҳар бир сўзидан хабардор бўл! Шоядки бу ишдан мақсад рўёбга чиқиб, мушкуллар осон бўлиб, ҳажр васлга мубаддан бўлса, — деди. Вазир амри билан бу икки аттор, ҳар бир кўчага кирганда баланд овоз билан атторлик молларнинг тавсифини қилиб енгил-елпи ашёнларни сотардилар. Улар неча кунлар кўчаларда кездилар, аммо йўқотган қушлари қўлга кирмади. Яна юрмаган, кирмаган кўчаю маҳалла қолдимиз? — деб сўради вазир. Шаъмун яшайдиган кўчага кирмадик — деб, жавоб берди мулозим. Уни ҳам сайр қилинлар! — деди вазир. Улар Шаъмун кўчасига бориб, бир неча жойларга назар солдилар. У ердига манзиллардан бирида бир неча қизлар билан бирга Жавҳар кўча томонга очилган дарча орқали ўтган-кетганларни тамошо қилардилар. Жавҳар кўчадан отлик ёки пивёда бирор қимса ўтса умид билан назора қиларди. Мулозим билан шаҳзода баланд овоз билан нидо қилиб ўшал кўчага киришди. Саодатшоҳ овоз оҳангини Жавҳар топиб, муҳаббат ўтидан бағри эзилди. У канизақлардан бирини атторлар хузурига жўнатиб, бизга бироз аттридан берсин, — деб буюрди. Улар бу манзил олдидаги саҳнага барча молларини ёйдилар. Канизақлар атр ва мушкларни олишиб, халта-хуржунни бирпасда бўшатдилар. Жавҳар Саодатшоҳга боқиб кўзини ёшлаб, у томонга бир тош отди. Юзини қўёш янглик кўрсатиб, ишорат қилдию юмди кўзини. Шаҳзода буни фаҳмлаб, юрагига тиг қадалди. Эрта тонгда аттор бу ерга келсин, у билан савдо қилурмиз — деди. Улар ўринларидан туриб йўлга равона бўлдилар ва вазирага ушбу нишонани баён қилдилар. Бу ишдан Шаъмун воқиф бўлиб, онасига хабар берди. Онаси деди: эй, ўғлим, барча машаққатларинг энди роҳатга айланди, у ўзини атр ва мушк билан муаттар қилиб, барча мақсудингни муйясар қилди. Бу сўздан Шаъмун хурсанд бўлиб, ададсиз сийму зарни Жавҳарга жўнатди.

Эртаси тонг отган, шаҳзода билан мулозим атторлик бисотларини кўтариб бориб, овоз қилдилар. Уларнинг овози Жавҳарга эшитилиб, канизақдан бир халта зар ичига бир мактубини солиб, атр ва мушкдан қўзрак берсин, — деб тайинлаб атторлар хузурига юборди. Турва ичидан мактуб билан зарларни олиб, мушк-атр билан тўлатиб юбордилар. Хатда қўйдаги сўзлар ёзилган эди; гулдан муаттар бўлди димоғимиз, сен энди икки отни ҳозирлаб, ярим тунда бу манзилга етиб кел! Унга миниб бир томонга қочайлик. Хатни вазир хузурига олиб бординлар. Мазмуни вазирага манзур бўлди. Вазир икки чопқир саман отнинг бирига шаҳзодадан миңдириб, иккинчисини юганини қўлига ушлашти ярим тунда ўшал манзилга равона қилди. Шаҳзода сўраб билан юриб ваъдалашган ерга худди қувёллардек яширинча борди. Хали эл ётгани йўқ, ой ҳам ботмаган эди. Шаҳзода бир вайрона қор девор ичига отларни олиб кириб, тизгинини қўлида маҳкам ушлаб ўтирди. Бирок кўзи кат-кам уйқуга мойил бўлиб, ниҳоят уйқу галаба қилиб уйқуга кетди.

Шу пайт бир занги (хабаш) ўғри ўз қишлоғидан Мисрга пинҳона келиб, ҳар тунда бозор томонга кириб, ёлғиз ўзи ўғрили қиларди. У нақб қовлаб бир нечаларни молини горат қилган эди. Миср боёнлари бу иллатнинг давосини тополмай гаранг эдилар. У вилоят ичига шу тунда келиб, бу манзилга энди етиб келган эди. У Шаъмуннинг бор-йўғини олай деб келган эди, аммо ул ухлаб роҳатга кирсун сўнгра бу ишга бел боғлайин деб, ўзини бир четга олмоқчи бўлиб, вайрона қор девор ичига кирди. Кўрдикки икки отни тизгинини ушлаб бир киши ухлаб ётибдур. Югани кесиб отнинг бирига миниб, бирини етаклаб кўча томон чикмоқчи бўлганда бошига бир нимарса тегиб, назар солиб кўрдикки бир паризоддур. У занжига хуржунни олгин деб узатди. У хуржунни олиб от устига қўйди. Бир отни менга бор, токи мен ҳам миниб олай деб овоз қилди. У кўшдек сакраб отга миниб йўлга равона бўлди. Улар йўл асосида бир-бири билан сўзлашмасдан йўл юриб, ниҳоят бир саҳрога етдилар. Кеча тугаб тонг отди. Жавҳар ўз-ўзича уйлари эди, яна қора кун тугди деб зорланарди. Макр билан Шаъмундан кутулдим, хатодан ушбу занжига тутилдим. Буни ҳам ҳийла билан алдаб, бу денгиз ичра этагим этмайин ҳўл.


Жавҳар зангига қараб, мени мақсадим рўёбга чиқди, неча мuddатдан бери Шаъмун қўлида тутқун эдим, мени ҳеч ким олиб қочолмасди, бугун сенга давлатинг ёр бўлиб, манга мададкор бўлдинг. Энди мени ўзинга чўри қилгин, деди. Бу сўзни эшитган занги гул-гул очилиб кетди. Улар журъат билан йўл босар эдилар. Йўл устида бир анҳор қўринди, иккаласи сув ичмоқ учун отдан тушдилар. Зангининг кўнгли маишатга мойил бўлиб, ўзини ҳар оҳанга сола бошлади. Зангини ёмон ниятини сезган Жавҳар, эй Рустам сифат йилгит, — деди — китобларда ёзилмишким, сафар асосида ҳар ким айш-ишрат қилса, юз миңг балаго йўлиқиб, дарди бедваого чалинғай, бу сўзни ахли ҳикмат ёзиб қўлдиришлар. Манзилингга етиб бориб, ором олганимиздан сўнг васл гулзоридан баҳраманд бўлайлик, деди. Бу сўз зангига маъқул тушиб, отга миниб йўлга тушди. Улар шом вақтида қишлоққа дохил бўлдилар. Занги дам олмасданок май келтириб, майхўрликни бошлади. Жавҳар зангига май тутиб, қосагуллик қиларди. У майга беҳуш қиладиган дори солиб, муҳаббат изҳори билан зангига ичирди. Бир неча пивёла майни зангига ичириб, хабарсизлик мулқига равона қилди. Зангини макр билан беҳуш қилиб, қўл-оёғини маҳкам боғлади.

Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.
(Давоми бор).



Бир, икки, уч... Равиль Альбеков олган сурат.

Сўранг, жавоб берамиз



Яқинда дўқондан видеомагнитофон сотиб олган эдим. Уч кундан кейин у ишламай қолди. Шу ҳусусда мени видеомагнитофон харид қилиб олган дўқонга мурожаат қилиш бўладими?

Ш.Бобоев.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига биноан видеомагнитофон тайёрловчи корхонага мурожаат қилган ҳолда нуқсонли сўзсиз бартараф қилиш ҳуқуқига эгадир. Бироқ нуқсон қўйидаги муҳлатларда аниқланган бўлиши лозим:

- товарнинг қафолат мuddати ёхуд яроққилик мuddати мубайнида;
- қафолат мuddати ва яроққилик мuddати белгиланмаган товарлар бўйича олти ой мубайнида;
- кўчмас мулк истеъмолчига ўтказилган кундан эътиборан икки йил мубайнида, агар шартномада бундан узоқроқ мuddат назарда тутилмаган бўлса.

Маҳсулотнинг нуқсонини ишлаб чиқарувчилар бартараф қилиши ёки Қонуннинг 14-моддасига кўра «Уни айни шундай маркази товарга етти кунлик мuddатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганда эса истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йилгит кун ичиде алмаштириб бериши шарт».

Турмуш ўртоғим педагог, ўзим II гуруҳ ногирониман. Вояга етсан иккита фарзандимиз бор. Қолмунал тўловлари тўлашда бизга имтиёз борми?

Ю.Қодиров.

Турмуш ўртоғингиз ўқитувчи бўлганлиги боис фақат у киши учун фойдаланиш харажатлари ва коммунал харажатлар учун 50 фоиз миқдорда тўлов олинади. Сиз ва фарзандларингиз учун тўловлар тўла микдорда, яъни 100 фоиз тўлашни лозим.

Хусусий фирмага ишга кирмоқчи эдим. Бироқ ҳамиладорлигимни ваъж қилиб мени ишга қабул қилишмади. Шу тўғрисида?

Н.Собирова.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 224-моддасига биноан, ҳамиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ишга қабул қилишда иш берувчи рад этиш сабабини аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда ҳамиладор аёлга бериши шарт. Фуқароларни ишга қабул қилишдаги рад жавобини суд орқали ҳал этиш мумкин.

Менга бир масалада маълумот берсангиз: аудиторлик ташкилотлари қандай хизматларни бажариш ҳуқуқига эга?

Б.Намозов.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига биноан Аудиторлик ташкилотлари қўйидаги хизматларни кўрсатиши мумкин:

- бухгалтерия ҳисоб-китобини йўлга қўйиш, тиклаш ва олиб бориш;
- молия ҳисоботини тузиш;
- ҳўжалик субъектлари молиявий ҳўжалик фаолиятининг таҳлили;
- миллий молия ҳисоботининг халқаро стандартларга ўтказилиши;
- бухгалтерия ҳисоб-китоби, солиқ тайёрлаш, режалаштириш, менежмент ва молиявий ҳўжалик фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб ва декларациялар тузиш.

Хурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 132-11-39 телефонига кўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Бу ажиб дунё

Пўлатдан қуйилган китоб

Бразилияда сувга солсанг зангламайдиган, ўтда ёнмайдиган, оғирлиги 1500 килограмми 1000 саҳифали китоб бор. Китобда Сан-Паулу шаҳрининг тўрт асрилик тарихи акс эттирилган. Олимлар ёзган текстларнинг ҳар бирининг катталиги 35х50 сантиметр келадиган пўлат варақларга ўйилиб ёзилган. Китобга ўт ҳам, сув ҳам, ҳатто хароратнинг ўзгариши ҳам таъсир қилмайди.

Китоб ҳайкал сингари тиккасига қўйилган. Уни бир пайтда бир неча одам варақларини ағдариб ўқий олади.

Трактор билан сайёрани айланиб чикмоқчи

Франция фуқароси Кристиан Юро 43 ёшга келганда кўнгли сайёрани айланиб чикмоқчи тусаб қолибди. У соатига 25 километр тезлик билан юрадиган трактор билан сайёрани айланиб чикмоқчи. Трактор 39 миңг километр масофани 14 миңг соатда босиб ўтиши керак.

Париждан 2001 йилнинг 22 февралда йўлга чиққан Кристиан Юро уч ярим ойда Москвага келиб тўхтади. Москвада қишлоқ ҳўжалиги билан танишгач, сафарини давом эттириб, яъни Русиядан Владивостокка, ундан Японияга, Япониядан Канада, Марокко, Испанияга ўтади.

Чукотка ва Аляска — бир минтақа

Рус олимларининг сўнгги вақтдаги илмий изланишлари қараганда, қадимда Чукотка ва Аляска ажралмас бир минтақа бўлган экан. Ҳозирги Чукотка ерлари у пайтда иссиқ, ўтлоқзор, ўрмон бўлган. Уша пайтда Аляскадаги қадимий ҳиндуларнинг бир қисми Чукоткага кўчиб ўтишган.

Орадан юз миңглаб йиллар ўтиши билан минтақа аста-секин ажраб, ўртада океан — уммон пайдо бўлган. Ҳиндулар Чукоткада қолиб кетган.

Минтақадаги об-ҳаво ўзгариб, Чукоткадаги қавмлар совуққа мослаша бошлаган. Шундан келиб чиқиб, таққосламачи бўлсақ, чуқчалар ва ҳиндуларнинг яшаш тарзи ва урф-одатларида бир-бирига ўхшашлик жиҳатлари кўп. Уларнинг организми ҳам, ранглари ҳам «туғишганлар» эканини исботлайди. Ҳатто чуқчалар ва ҳиндуларнинг хулқ-атвори уларнинг янги қавмига — жамога мослаша олмастлигича ўхшар экан.

«Талаба» тўтиқушлар

Австралияда тўтиқушларни ўқитадиган икки мактаб бор. Бу ерда тўтиқушларнинг барча турли ўқитилади. Сиднейдаги махсус мактаб кўпчиликнинг дилидан чикмоқда.

Биринчи курсда тўтиқушлар сўзларни аниқ ва равшан айтишига ўқитилади. Иккинчи курсда логопед-олимлар машғул бўлишади. Олимлар қушларга болалар айтишига қийналадиган сўзларни ўргатишади. Тўтиқушлар эса болалар билан шуғулланувчи энг сабр-тоқатли «муаллим» бўла олади.

Қидирбой ТўЛАБОВ тайёрлади.

КУЛГИ БЕКАТИ

Кутлов

— Багров, сиз кўрдингизми, Тучкинни, у қанчалар бахтли. У «Запорожец» автомобили сотиб олибди.
— «Запорожец»? Бу ёмон машина, — деди Багров. — Тормозни босдингми — тамом! Орқандан биров келиб «гуп» этиб уради, вассалом. Моторинг тамом бўлади. Мана сизга «Запорожец».
Сал кейин бахтиёр Тучкиннинг ўзи Багровга яқин келди:
— Мени табриклиман, «Запорожец» олдим.
— У-хў, табриклиман! Ажойиб машина! — деди Багров. — Моторини айтмайсизми — орқада жойлашган. Нимага бориб урилсанг ҳам мотор омон қолади. Табриклиман!

Нима учун

ДАН нозирни Бирюковни тўхтатди. Бирюков сержантнинг бошқалар билан гаплашиб бўлишини хотиржам кутди. Сержантга ҳужжатларини ҳам бамзайлихотир узатди. У қойидан бузмаганлигига амин эди.
Сержант ҳужжатларни шошилмай, сиңчиклаб варақлаб чиқди. Шиналарни тепиб кўрди. Чирокларни кўздан кечирди. Сўнгра ёнидан бир тахлам қвтанциялар чиқарди.
— Менга кара қомандир, сен ҳеч бўлмаса тушунтир, мен нима гуноҳ қилибман ўзи? — сўради Бирюков дўстона оҳангда.
— Нима учун? — ҳайрон бўлди сержант. — Муқим бўлган жойда тўхтамаслик учун. Кўрмайсизми: бу ерда туриш тақиқланган!

Русчадан Обид СҒИХОНОВ таржимаси.

Рассом хандаси



— Дадаси, ишхонадан мукофот пули олдим.
— Порахўр эр: — Қани, бу ёққа чўзи.



— Вой ўлмасам, бу қанақа кийиниш кизим?
— Ҳозир кизларга шунақа кийиниш расм бўлган, мамаш.
Абдурауф Ҳақимов чизган расмлар.

БҮШ ВАКТИНГИЗДА


Бошқотирма

Жавоблар рақамли хонадан шаклга «занжир» ҳолида ёзилади.
1. Физиканинг ёруелик қонуниятларини ўрганувчи бўлими. 2. Сўз санъати. 3. Оламни ўрганувчи фан. 4. Саломатлик илми мажмуи. 5. Юнон муаррихи Геродот асос оланган фан. 6. Алишер Навоий замондоши муаррих. 7. Бирор касб-ҳунарда оид қўлланма наشري. 8. Физиканинг товушлар ҳақидаги соҳаси. 9. Математика фани бўлими. 10. Араб алифбосидаги харфлар асосида ҳисоб илмида қўлланилган қадимий усул. 11. Механиканинг жисмлар ҳаракатини ва куч билан ҳаракат ўртасидаги боғлиқлигини ўрганувчи бўлими. 12. Бадиий ижод назарияси ва танқидига оид фан. 13. Табиий фан. 14. Билмидаги асосий манба, белги. 15. Тиниш белги. 16. Асос деб аталган муайян сонни даражага кўтарганда берилган сонни ҳосил қиладиган даража кўрсаткичи. 17. Тафаккур қонунарига оид фан. 18. Тиниш белги. 19.

Грамматика фани соҳаси. 20. Сўз туркуми. 21. Сўзлашув воситаси қонун-қоидаларини ўрганувчи илм. 22. Санъат соҳаси.

Музамонома


Очқиқ сўзлар: 1. От, сифат, сон ўрнида қўлланиладиган сўз туркуми — 6, 8, 9, 6, 12.
2. Ҳусн, чирой — 14, 15, 16, 14.
3. XVIII асрнинг иккинчи ярми, XIX аср бошларида Қўқон шаҳрида яшаб ижод этган маърифатпарвар шоир, газалнавис, ҳажвий асарлар муаллифи — 17, 6, 11, 4, 4.
4. Иш ҳаракатининг турли хилатларини аңлатувчи сўз туркуми — 16, 2, 13, 1, 12.
5. Сўз устаси — 3, 6, 5, 1, 7.
6. Сўз туркуми — 10, 6, 3.
Энди жавоб сўзалари асосида шакл марказидаги ва айланмалардаги рақамларни мос харфлар билан алмаштиринг. Улардан ҳикматли сўз, айланалар бўйича ана шу сўзлар муаллифи авн бўлади.
Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ



Газетанинг шу йил 21 сентябрь сониде берилган топшириқли бошқотирманинг жавоблари:

1. Зидан. 2. Наҳанг. 3. Гулшира. 4. Арабистон. 5. Нуробод. 6. Душанба. 7. Асбоб. 8. Бром. 9. Мақтумқули. 10. Исирик. 11. Қадрият. 12. Таннара. 13. Хислат. 14. Терак. 15. Кутубхона. 16. Адабиёт. 17. Тазира. 18. Архар. 19. Раққоса. 20. Аккра. 21. Англа. 22. Аста. 23. Таҳил.
Айланаларда: Бахт асоси — бирликдир.

Шарқ дурдоналари



● Бир донишманддан сўрадилар:
— Қандай қилиб илмнинг энг юқори чўққисига чикдинг?
Донишманд шундай жавоб берди:
— Билмаган, тушунмаган нарсамни олимдан ҳам, оддий кишидан ҳам, каттадан ҳам. кичикдан ҳам сўрадим. Бу тўғрида уялмадим, номус қилмадим, ўзимни юқори тутиб, мутақаббир бўлмадим.

Уялма маърифатни ўрганурдан, Танур жойинг бўлур, қолсанг танирдан.

● Бир кишининг жуда бахил, қурумсоқ дўсти бор эди. Бир куни дўстини кўргани унинг уйига борди. Уйдагилар бахилнинг безгақ тутиб, кўрпага ўралиб ётганини айтдилар. У киши шундай маслаҳат берди:

— Яхши овқат пишириб, дўстимнинг ёнида ея бошланг, бунга чидай олмай дарров терлайди-ю, безгақдан қутилади.

● Бир киши биронинг кўйлагини ўғирлади ва сотиш учун ўғлига берди. Ўғли бозорга олиб борар экан, бошқа бир киши унинг кўйлагини тортиб олиб, қочиб кетди. Ўғли ноилож уйига қайтди. Отаси: «Ўғлим, кўйлақни қанчага сотдингиз?» — деб сўраганида, ўғли:

— Кўйлақ ўз нарҳида кетди, — деб жавоб берди.

● Бир шоир зарур иш билан дарёнинг нариги соҳилига ўтмоқчи бўлди. У кирақаш қайиқчи билан ўтказиб қўйиш баҳосини келишиб, қайиққа ўтирди. Шоир қайиқда икки шоирнинг шёрларидан ўқиб борарди. Қайиқчи ундан:

— Биродар, ким билан сўзлашиб кетяпсиз, — деб сўраб қолди.

Шоир:

— Дўстларим билан гурунглашиб кетяпман, — деди.
Соҳилга келиб шоир қайиқдан тушди ва қайиқчига пул узатди.

Қайиқчи эса унга деди:

— Бу берган пулингиз ўзингиз учун, энди икки ўртоғингиз учун ҳам тўланг. Сиз улар билан қайиқда гурунглашиб ўтирдингиз, энди уларга ҳам ҳақ тўлайсиз.

Шоир ҳар қанча тушунтирса ҳам қайиқчи қабул қилмади. Ноилож у икки дўсти учун ҳам пул тўлаб кутулди.

● Эй фарзанд, агар бир киши сенга омонат топширмоқчи бўлса, уни яхши сақлаб эгасига қайтаришга кўзинг етмаса, омонатни асло қабул қилма. Агар омонатни қабул қилсанг, яхши сақлаб эгасига саломат топшир, бу сенинг тўғрилигинг ва жувонмардлигингдан далолат беради.

Эй фарзанд, омонатни қабул қилиб эгасига топширмунча сенга кўп ранж, машаққатлар етишади. Биринчидан, омонат эгаси сендан молини тўла-тўқис олгандан сўнгра миннатдор бўлмай, кўйган омонатини олдим, деб илтифотсиз кетавериши мумкин. У чоқда ҳамма чеккан машаққатинг зое ва бекор кетади. Иккинчидан, омонат офатга учраб, қўлингдан кетса, ҳеч ким сенга ишонмайди. Халойиқ олдида хиёнатчи деган ном чиқарасан. Учинчидан, инкор қилсанг, зўрлик билан сендан оладилар. Ундан кейин ҳеч бир киши сенинг тўғрилигинга, виждонли эканлигинга ишонмайди.

Эй фарзанд, сен бир кишига омонат қўйишни истасанг, у киши ҳам қабул қилса, орада кўнгилсиз воқеа чикмаслиги учун омонатингни икки гувоҳ ҳузурда топшир. Биров сенга омонат топширса, у ҳам шундай қилиб топширсин. Омонатга хиёнат қилма, ростгўй бўл, олам моли ростгўйликка боғлиқдир.

Бу пандимни эшит, фарзанди содиқ,

Билиб иш қил, насихатга мувофиқ.

Сенга ким топшириб қўйса омонат,

Эсанг доим унга қилма хиёнат.

Хиёнатнинг йўлига қўймағил ком,

Халойиқ ўртасида бўлма бадном.

● Йиқилганингиздан сизга зарар йўқ, аммо асл фалокат маъюслианг, рўҳингиз тушиб кетишидадир.

● Сир сақлаш — тил остига чўғ олиб туришдан ҳам машаққатлидир.

● Қарилиқнинг юзимиздан кўра ақлимизда ажинлар ҳосил қилишидан эҳтиёт бўлайлик.

● Айтмоқчи бўлган фикрингизни эшита туриб, эътибор бермай қилиб турган одамдан сақланинг.

● Олти нарса роҳатда яшашга ёрдам беради: ишчанлик, ҳақиқий дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақлу фаросат.

Ҳохласанг ким эл сани яхши кўрар,

Бўлмағил ҳар кимга бадгў, бад назар.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзиллими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ обфет
усулида босилади.
2668 нусxada босилади. Кўча бичими А-2

Душанба, чоршанба
ва жума
куналари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот кўртасида
10-рақамли бўлиб руҳиятга олинган

Нашрият етказиб бериш масъалалари бўйича турар жойлашган почта бўливларига еки: Тошкент почтамтига — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос ақсирдорлик компанияси
босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● Гивендлик нафақат оғир дард, балки инсон умрининг қушандаси, турли жиноятларга олиб келувчи касофат ҳамдир. Ҳозирги кунда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Жумладан, Мировод тумани ИИБ наватчилик қисмига тушган хабарга кўра, Андрижон Абдуллоев яшовчи М. Умар милиция ходимлари томонидан ушланиб текиририлганда, унинг ёнида бир қилорамга яқин героин моддаси борлиги аниқланиб тортиб олинди.

● Шунингдек икки ишлар ходимлари томонидан «Корадори 2001» тадбири ўтказилишига қарамастан айрим фуқароларимиз «оқ эжа» билан шугулланишни ўзларига касб қилиб олишмоқда. «Оқридаги» каби Чилонзорда истиқомат қилувчи фуқаро Х. Мансур ўзи билан қарийб 4килограмм марихуана гивендлик моддасини олиб юргани аниқланиб ҳуқуқ посбонлари томонидан қўлга олинди.

● Акмал Исмолов туман ИИБ ходимлари томонидан ҳеч қаварда ишламайдиган М. Розик шаерда, ёнидан 2 килограммдан ортиқ одамга қучли таъсир этувчи марихуана оғусини олишти. Айни пайтда мазкур қўлга олинган шахсга нисбатан жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Айрим шахслар меҳнат қилиб тев тўқмасдан, Узағалар мулкни қўлга қиратишга ҳаракат қилади. Охириги ўйламайдиган бундай қисмалар боши деворга бориб теккандан сўнгра афсус чекадилар. Юнусобод туманида номаллум шахс Э. Сайёранинг бўйнидаги сариқ металлдан асалган занжирини юлиб қочиб кетган. Осиёталлик фидоийларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу жиноятчи содиқ этган, ҳеч қаварда ишламайдиган М. Толиб далилий ашё билан ушланди.

● Худди шундай Шайхонтоҳур туманида ҳам илгари судланган, ишламайдиган Р. Зокир фуқаро И. Дилбарнинг бўйнидаги сариқ металлдан асалган қимматбаҳо тақинчоғини юлиб қочди. ИИБ ходимларининг зудлик билан олиб борган ҳаракатлари тўғрйли хабарланувчининг буюмлари ўз эгасига қайтарилди. Ҳозирда айбланувчилар қонун олдида жавоб бераувчилар.

● Ўғирлик билан бировни зир қашқатдан киши бир кун келиб, ўзи ҳам қоқилди. Бунни ўйламаган Т. Димитрий Р. Акрамининг гараж томини қилиб астулола эҳтиёт қисмларини умариб кетган. Мирзо Улугбек тумани ИИБ изкуварлари томбузар Димани далилий ашёлар билан қўлга олди.

● Ўқ отар қуролларни неқонуний равишда сақлаш ҳам тегишли жавобгарликка олиб келишини ҳамма билади. Бироқ баъзи ҳамюртларимиз борки, ўзлари билан қилиб астулола эҳтиёт қисмларини умариб кетган. Мирзо Улугбек тумани ИИБ изкуварлари томонидан 16 калибри икки отар ов милтиғи толиб тортиб олинди. Энди Азим жанговар қуролни нима учун сақлаганини терговда айтишга мажбур.

● Биронинг умрини сўндириш билан оғир жиноятлардан биридир. Ана шундай қабиқликка М. Андрижон ҳам қўл урди. У танцини Т. Абборнинг иш жойига мақ холда бориб, узаро жанжал оқибабига ўткир тигли жисм билан унга жиддий тан жароҳат етказди. Натижада қаттиқ жароҳатланган Аббор воқеа жойида вафот этди.

● Ҳозирги пайтда «заҳри қотил»нинг кайфи билан инсон қиёфасидан чиқиб кетган Андрей қилган қилмишига пушаймон бўлиб, суднинг қора курсисида бош эгиб ўтирибди.

● Кўп бор таъкидланаётган бўлса-да айрим ишонувчан юртдошларимиз фирибгарларнинг ҳавойи гапларига лаққа тушиб тўсогога иланиб қолшмоқда. Илгарини ушланган, судланган М. Воҳид фириб йўли билан И. Маликин алдаб, АҚШга ишга жўнатарман, деб 2400 АҚШ долларини олиб қайтариб бермаган.

Замон ЭШОНКУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот марказининг
жамоатчи муҳбири.

«Ўздонмахсулот» очик турдаги «Ширмой паз» акционерлик жамияти «Ешлик» талабалар шаҳарча касб хохими ўринбосари Ғайрат Латифбоева отаси

ТУРКИД ОТАНИНГ
вафоти мўлосабати билан таъзия изҳор қилади.